



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

“Кўксарой” қароргоҳида 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида давлатимиз раҳбари ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



Тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, “Suez”, “Calik Holding”, “Cengiz Enerji”, “Halyk Bank”, “VEON Group”, “TBC Bank”, Абу-Даби та-

раққиёт фонди, “ACWA Power”, “Zeppelin International AG”, “EDF”, “AME International”, “CNH Industrial”, “Youngone Corporation”, “Procter & Gamble”, “Mitsui”, “Sojitz Generation

DMCC”, “KIA Motors”, “General Electric”, “John Deere”, “Silverleaf”, “Knauf”, “White&Case” каби етакчи компания ва банклар раҳбарлари, шунингдек, халқаро молиявий институтлар —

Жаҳон банки, Халқаро молиявий корпорация, Осиё тараққиёт банки ва Исломот тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Мухтарам меҳмонлар! Аввало, Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи йиғилишининг барча иштирокчиларини самимий қутлайман.

Бугунги анжуманда жаҳоннинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари бўлган сиз, қадрли дўстларимиз ва ҳамкорларимизни кўриб турганимдан гоёт мамнунман.

Катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ушбу йиғилишни ташкил этишда кўрсатган кўмаги учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти ҳурматли Одиль Рено-Бассо хонимга ўз миннатдорлигини билдираман.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда жаҳонда жиддий глобал ўзгаришлар юз бермоқда. Дунё ҳамжамияти пандемиядан халос бўлишга улгурмай, янги қийинчилик ва синовларга дуч келмоқда. Турли зиддият ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бормоқда. Чиндан ҳам, бундай оғир ва мураккаб шароитда ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган яқин ҳамкорлиқнинг аҳамияти ҳар томонлама ортиб бормоқда.

Айнан шу сабабли Хорижий инвесторлар кенгашининг бугунги йиғилиши алоҳида муҳим аҳамиятга эга, десак, ўйлайманки, тўғри бўлади.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари! Сизларга яхши маълумки, биз сўнгги йилларда Ўзбекистонда кенг қўлмалли ислохотларни амалга ошириб келмоқдамиз. Миллий иқтисодиётнинг очиклигини таъминлаш ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси учун барча зарур шароитларни яратишни ислохотларнинг асосий йўналиши этиб белгиладик. Шу мақсадда валюта бозорини эркинлаштирдик, хусусий инвесторларга энергетика, геология-қидирув, кимё ва нефть кимёси, тиббиёт ва таълим каби соҳаларда фаолият юритиш имкониятларини кенгайтирдик.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борадаги ишларни тизимли мувофиқлаштириб бориш учун алоҳида агентлик ташкил этилди.

Замонавий иқтисодиёт драйвери бўлган хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича инқилобий қарорлар қабул қилдик. Бу соҳада икки юздан ортиқ лицензия ва рухсатномаларни бекор қилдик. Солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага қисқарди, айрим солиқ ставкалари 2 баробар камайтирилди. Келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕТТБ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

“Кўксарой” қароргоҳида 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси ҳамда ЕИ ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Самарқанд конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашув ўтказди.



ЕТТБ билан самарали ҳамкорлиқнинг жорий ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари охириги олти йилда Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли молиявий институт билан алоқалари мисли кўрилмаган даражага кўтарилганини мамнуният билан қайд этди. Банк ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорларидан биридир.

Учрашувда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш

хусусан, энергетика, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой коммунал хўжалик соҳаларида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш, “яшил” тараққиёт, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Одиль Рено-Бассо юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолади ҳамда

сермаҳсул шериклиқни кенгайтиришга тайёрглигини билдирди.

Келгуси йилда Самарқанд шаҳрида банк бошқарувчиларининг навбатдаги йиллик йиғилишини ўтказишга тайёргарлиқнинг амалий жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув якунида мамлакатимизнинг ЕТТБ билан ҳамкорлигини мустақамлашга қаратилган аниқ тадбирлардан иборат “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “ACWA POWER” КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси доирасида “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян билан учрашув ўтказди.

Жорий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “CALIK HOLDING” КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни “Кўксарой” қароргоҳида “Calik Holding” компанияси бошқаруви раиси Ахмет Чалиқни қабул қилди.

Учрашувда амалий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ва ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи корхоналари ўртасидаги шериклиқнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди ҳамда иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун катта салоҳият борлигини таъкидлади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “CENGIZ ENERJI” КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси доирасида “Cengiz Enerji” компанияси бошқаруви раиси Мехмет Жениш билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги энергетика қувватларини кенгайтириш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган ушбу турк компаниясининг фаолиятини юқори баҳолади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА — ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни “Кўксарой” қароргоҳида Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Делегация таркибида учрашувда АҚШнинг “General Electric”, “Procter and Gamble”, “Coca-Cola”, “CNH Industrial”, “John Deere”, “Zeppelin” ва “Silverleaf” компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам фестиваль қатнашчилари!

Қадрли дўстлар! Авваломбор, Туркменистоннинг бектакор Дашоғуз шаҳрида бўлиб ўтган бугунги дўстлик фестивали юксак даражада ташкил этилгани учун Туркменистон Президенти ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедовга ҳамда барча ташкилотчилар-

га ўзимнинг чуқур миннатдорлигини изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ўзаро тарихий-маданий алоқалар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги кўп асрлик биродарлиқнинг мустаҳкам тамал тоши бўлиб келмоқда. Чин қардошлик ва яхши қўшничилик ришталарини янада кучайтиришга қаратилган ушбу муҳим тадбир эса элу юртларимизнинг

умумий эзгу мақсадлари ва орзу-интилишлари муштарак эканини яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда барча устувор соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “ACWA POWER” КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари компания мамлакатимизнинг турли ҳудудларида энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга ҳисса қўшаётганини юқори баҳолади.

Компания инвестицияларини водород энергетикасини ривожлантириш, шамол электр станцияларини қуриш,

хорижий экспертлар иштирокида юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга жалб қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Муҳаммад Абдулла Абунайян компания Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтиришга, шунингдек, келгуси йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Саудия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказишда фаол иштирок этишга тайёригини билдирди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “CENGİZ ENERJİ” КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Бошланган лойиҳаларни тез фурсатда якунига етказиш ҳамда устувор йўналишларда, шу жумладан, энергетика объектларини модернизация қилиш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “САЛІК HOLDING” КОМПАНИЯСИ РАЎБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

“Salik Holding” раҳбари самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, компаниянинг узоқ муддатли ва кенг кўламли шериклик борасидаги интилишлари қатъий эканини билдирди.

Туркиянинг ушбу холдинги билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳаси-

Мехмет Женгиз самимий қабул ҳамда хорижий инвесторларнинг самарали фаолиятига яратилаётган шароитлар учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди. Мамлакатимизда муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда бундан бўён ҳам иштирок этишга тайёригини билдирди.

ЎЗА

да, кимё ва тоғ-кон саноатида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида инвестициявий ҳамкорликнинг янги дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА — ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни кутлар экан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги қўл қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Таркибига 38 та етакчи компания кирувчи Америка — Ўзбекистон савдо палатаси икки томонлама стратегик шерикликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётгани қайд этилди.

Мамлакатларимиз корхоналари ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш юзасидан фикр алмашилди.

Энергетика, кимё тармоғи, машинасозлик, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳалари ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Каролин Лэмм палата аъзоларининг юртимиздаги фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани учун АҚШ ишбилармонлар ҳамжамияти номидан давлатимиз раҳбарига ташаккур билдирди.

Америка ишбилармон доиралари вакиллари АҚШ бизнесининг ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қизиқиши ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон етакчиси раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятларини юқори баҳолаб, мамлакатимиз билан инвестициявий шерикликни кенгайтириш учун очилаётган имкониятлардан фаол фойдаланишга интилишини тасдикледи.

Янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун 2023 йилнинг биринчи чорагида қўшма бизнес форумини ўтказишга келишиб олинди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Биз миллий иқтисодиётимиз ривож учун хорижий инвестициялар қанчалик зарур эканини жуда яхши тушунамиз. Шу боис, инвесторларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун инвестициялар тўғрисида алоҳида қонун қабул қилдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида бизнес-омбудсман институти жорий этилди.

Ана шундан чора-тадбирлар глобал миқёсдаги беқарорлик ва инқирозлар шароитида ҳам миллий иқтисодиётимиз ўсишини таъминлашга ёрдам берди. Хусусан, пандемия авж олган даврда, ташқи бозорлардаги оғир вазиятга қарамаздан, иқтисодий ўсишнинг ижобий динамикасини сақлаб қолдик. Утган йили бу кўрсаткич 7 фоиздан ошди. Жорий йилда ҳам иқтисодиётимиз ўсишда давом этапти.

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб, биз билан ҳамкорлик қилиб келаётган барча бизнес вакилларига чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли инвесторлар! Қўлай инвестиция муҳитини яратиш бўйича амалга оширган ислохотларимиз натижасида сўнгги 5 йилда иқтисодиётимизга кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми 10 баробар ошиб, қарийб 40 миллиард долларни ташкил этди.

Биз 10 йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги кўрсаткичдан икки баробар оширишни мақсад қилганмиз. Бунга эришиш учун бизда хоҳиш-ирода ҳам, имконият ҳам етарли.

Ўз олдимизга қўйган бундай юксак марралар учун сармоялар ҳажмини келгуси 5 йилда 120 миллиард долларга етказиш, жумладан, камиди 70 миллиард доллардан хорижий инвестициялар жалб этишни ҳисоб-китоб қилганмиз. Ушбу инвестицияларни, энг аввало, саноат тармоқларини модернизация ва трансформация қилиш, ишлаб чиқариш, коммунал ва транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтириш учун аниқ лойиҳа ва дастурларимиз бор. Шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш каби давлат тасарруфидаги анъанавий соҳаларга ҳам хусусий инвестицияларни жалб этиш кун тартибимизда туради.

Биз хорижий инвесторларни ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва биргаликда амалга оширишга чақирамиз. Сизларни ишонтириб айтаманки, Янги Ўзбекистонда инвесторлар ўзини эркин ҳис этиши, эртанги кунга катта ишонч билан қараб, барқарор ишлаши учун барча имкониятларни яратиб берамиз. Айнан шунинг учун бизга яқин дўст, хайрихоҳ бўлган энг ишончли инвесторлар иштирокида янги Кенгашни ташкил этмоқдамиз. Сизлар билан узоқ муддатли, ўзаро манфаатли инвестицион

ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишимизга аминман.

Қадрли дўстлар!

Сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, биз юртимизда очик, жадал ривожланаётган замонавий давлат қуриш мақсадида бошлаган ислохотлар йўлидан ортга қайтмаймиз.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингизда аниқ ва конструктив тақлифлар бор. Сизларнинг кўмагингиз билан биз Кенгаш доирасида ривожлантирмоқчи бўлган бир қатор соҳаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, биз қонун устуворлигини Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош тамойилларидан бири этиб белгиладик. Кейинги йилларда юртимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мисли кўрилмаган чоралар ҳаётга жорий этилди.

Бундан бўён фуқаро ва тadbиркорларга мулк ҳуқуқини сўзсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш шаффоф ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими томонидан қафолатланади.

Биз куни кеча суд соҳасига бағишланган мажлисда бу борада ислохотларнинг навбатдаги босқичидаги устувор йўналишларни белгилаб олдик.

Ўзбекистонда илғор хорижий амалиёт ва тахрибани жорий этиш мақсадида Хорижий инвесторлар кенгаши ҳузурида доимий фаолият юритадиган Инвесторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитасини ташкил қилишни тақлиф этаман.

Иккинчидан, биз банк-молия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш ниятдамыз.

Гап мазкур соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, хорижий банкларни Ўзбекистонга фаол жалб этиш, самарали фонд бозорини шакллантириш ҳақида бормоқда.

Бу залда банк соҳасига инвестиция киритган хорижий ҳамкорларимизни кўриш бизга катта мамнуният бағишлайди. Биз хорижий сармоядорларнинг рақам-молия соҳасини янада тақомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва ташаббуслари учун очикмиз.

Учинчидан, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб қолади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда 1 минг 200 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди. Келгуси йилнинг ўзида яна мингга яқин корхона ва кўчмас мулк объектларини хусусийлаштиришни режалаштирганимиз.

Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик механизмининг иқтисодиётнинг барча тармоқларига фаол таътиб этмоқдамиз. Қисқа муддатда мазкур йўналишда сезиларли натижаларга эришдик. Биргина энергетика соҳасида Ўзбекистон, ушбу механизмлардан фойдаланган ҳолда, 8 миллиард доллардан ортиқ маблағни жалб этди. Бу лойиҳаларга сармоа тикиб бораётган ҳамкорларимизни ҳам бугун тадбирда кўриб турганимдан мамнунман.

Кенгаш аъзоларини хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик дастурларида фаол иштирок этишга тақлиф қиламиз.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларини ўзлаштиришда катта имкониятлар мавжуд.

Ҳабарингиз бор, мамлакатимиз олтин захиралари бўйича дунёда 2-ўринни, мис бўйича — 7-ўрин, вольфрам бўйича — 8-ўрин, қумуш бўйича — 9-ўрин, уран бўйича 12-ўринни эгаллайди.

Фойдали қазилма конларини ўзлаштириш соҳасига йирик инвестицияларни жалб этиш мақсадида геологик маълумотларни очик эълон қилдик. 10 дан ортиқ турдаги стратегик фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун солиқ ставкаларини пасайтирдик, ер солигини бекор қилдик, махсус техникаларни божхона тўловларидан озод этдик.

Биз ҳомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича аниқ лойиҳаларни тайёрладик. Биргина мисол. Ўзбекистонда йилгига 150 минг тонна мис қазиб олинди ва унинг атиги 70 минг тоннаси қайта ишланади. Яқин йилларда мис ишлаб чиқариш ҳажмини 500 минг тоннага етказамиз.

Шу муносабат билан мис кластерини барпо этишга киришдик. Унинг ҳудудида мис фольгаси, электродвигателлар, қуёш панеллари, кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва бошқа юқори қўшилган қийматли товарларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошира бошладик.

Бундан ташқари, электромобилларни ишлаб чиқариш тармоғига асос солиш ниятдамыз.

Сиз, ҳурматли инвесторларни ушбу йўналишларда амалий ҳамкорлик қилишга даъват этамиз.

Бешинчидан, Ўзбекистонда рақамлаштириш соҳасига инвестицияларни жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қабул қилдик. Ушбу ҳужжатда барча муҳим соҳаларни рақамлаштириш назарда тутилган.

Биз мамлакатимиз ҳудудларида IT-паркларни ташкил этмоқдамиз. Бундай парклар резидентлари барча солиқлардан ва йиғимлардан озод қилинган. Хорижий инвесторлар ва технологияларнинг фаол иштирокисиз ушбу соҳани ривожлантириш мумкин эмаслигини яхши тушунамиз. Шу сабабли, Кенгаш аъзолари билан мазкур йўналишда қўшма лойиҳаларни амалга оширишда самарали ҳамкорликка умид қиламиз.

Олтинчидан, Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш жараёнида фаол қатнашмоқда.

Қабул қилинган стратегиямизга мувофиқ, 2026 йилга бориб муқобил манбалардан олинадиган энергиянинг умумий генерациядаги улушини 25 фоизга етказамиз. Шу билан бирга, илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ва қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишни мўлжалламоқдамиз.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Жаҳон банки билан бирга 2050 йилгача миллий иқтисодиётни декарбонизация қилиш стратегиясини ишлаб чиқишга киришдик.

“Яшил” лойиҳаларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни давом эттиришдан манфаатдормиз ва уларда Кенгаш аъзоларининг иштирокини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Афсуски, ажратилган вақт ҳамкорликнинг барча истиқболли йўналишларини батафсил муҳокама қилиш имконини бермайди. Шунинг учун хорижий инвесторлар билан ишлашни қуйидаги тартибда ташкил этиш зарур, деф ҳисоблайман.

Қайд этилган ҳар бир устувор йўналишни амалга ошириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида Сармоядорларни қўллаб-қувватлаш ишчи гуруҳи ташкил этилади. Ушбу ишчи гуруҳ Хорижий инвесторлар кенгаши ҳузурида фаолият юритади ҳамда чет эллик сармоядорларни комплекс ва тизимли равишда қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади. Хусусан, инвесторни аэропортда қутиб олишдан тортиб, бизнес учун зарур рухсатнома ва лицензиялар беришгача бўлган барча хизматларни “ягона ойна” тамойили асосида кўрсатади.

Афсуски, ажратилган вақт ҳамкорликнинг биринчи ўринбосари Лазиз Қудратов мувофиқлаштириб боради.

Бош вазир ўринбосарлари Ж.Ходжаев, Ж.Қўчқоров, Ж.Мирзамахмудов ўз йўналишлари бўйича келиб тушадиган муурожаатларни ижобий ҳал этишни таъминлайди.

Ишчи гуруҳи Кенгаш котибияти билан бирга, хорижий инвесторлар тақлифлари асосида, аниқ лойиҳалар, уларни амалга ошириш учун қўнуңчилиқни тақомиллаштириш, муддатлар ва масъул икромчилар белгиланган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши лозим.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари! Биринчи навбатда, билдирган қимматли гоа ва тақлифларингиз учун сизларга ўз ташаккуримни айтмоқчиман.

Ўзбекистон билан конструктив ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги эътиборингиз ва оруз-ниятларингизни жуда қадрлаймиз.

Тақор айтаман, Ўзбекистонда сизларнинг бизнесингиз муваффақиятли бўлиши, мамлакатимизда ўзингизни ишончли, эркин ва қўлай ҳис этишингиз учун барча чораларни кўрамиз.

Сизлар берган тақлифлар алоҳида “йўл хариталари”га киритилади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистондаги барча ислохот ва ўзгаришларни доимий қўллаб-қувватлаб келаётгани ҳамда қўшма дастур ва ташаббусларни амалга ошираётгани учун Одиль Рено-Бассо хонимга яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, эзгу фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗА

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ

Бошланиши 1-бетда

Хорижий инвесторлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 ноябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси илғор жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда, Ўзбекистон ҳукуматида мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

Ушбу маслаҳат органининг биринчи сессиясида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, мамлакатимизда устувор йўналишларда аниқ кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида глобал миқёсдаги инқирозли ҳодисалар шароитида, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган яқин ҳамкорликка бўлган эътиҳ ёртиб бораётган вазиятда бугунги йиғилиш алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, миллий иқтисодиётимизнинг очиклигини таъминлаш ва унинг халқро бозорларга интеграцияси учун зарур шароитлар яратиш ушбу янгиланишларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олингани қайд этилди.

Жумладан, валюта бозори эркинлаштирилди, хусусий инвесторларга энергетика, геология-қидирув, кимё ва нефть кимёси, тиббиёт ва таълим каби соҳаларда фаолият юритиш имкониятлари кенгайтирилди.

Хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича инқилобий қарорлар қабул қилинди. Бу соҳада икки юздан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Тадбиркорликнинг солиқ юки қисқартирилди, хорижий инвестициялар учун максимал даражада қўлай шароитлар яратилмоқда.

Натижада пандемия ва ташқи бозорлардаги оғир вазиятга қарамаздан, иқтисодий ўсишнинг ижобий динамикаси сақлаб қолинди ва давом эттирилмоқда. Сўнгги 5 йилда иқтисодиётимизга кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми 10 баравар ошиб, қарийб 40 миллиард долларни ташкил этди.

Президентимиз, энг аввало, саноат соҳаларини модернизация ва трансформация қилиш, ишлаб чиқариш, коммунал ва транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантиришга

янада кўпроқ инвестицияларни йўналтириш учун аниқ лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилганини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон етакчиси кенгаш доирасидаги фаолиятнинг бош мақсад-вазифаларини ҳамда хорижий инвесторлар билан шерикликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Бу, энг аввало, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш қафолатларини мустаҳкамлашдир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари кенгаш ҳузурида Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасини тузишни тақлиф этди.

Ўзбекистон банк-молия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга интилиб, сармоядорларнинг бу соҳани янада тақомиллаштиришга қаратилган ташаббуслари учун очик экани таъкидланди.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири — давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш ва хусусийлаштиришни кенгайтириш. Барча тармоқларда давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон табиий ресурслар борасида улкан имкониятларга эга экани, уларни ўзлаштиришда иштирок этиш учун хорижий инвесторларга кенг шароитлар яратилгани кўрсатиб ўтилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ КЕНГАШ ДОИРАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИНГ БОШ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР БИЛАН ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Унинг доирасида мамлакатимиздаги рақамлаштириш жараёнларига хориждан сармоа ва технологияларни фаол жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, қайта тикланадиган энергия манбаларини соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Президенти йиғилишда ҳозир бўлган барча инвестор ва ҳамкорларни қайд этилган лойиҳа ва дастурларда фаол иштирок этишга чақирди.

Мажлисда сўзга чиққан Кенгаш аъзолари кейинги йилларда Янги Ўзбекистондаги ислохотлар дастурининг юксак муваффақиятларини, улар натижасида бизнес билан шуғулланиш ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай шароитлар яратилганини қайд этдилар. Инвесторларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмак кўрсатилаётгани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик, бундан бўён ҳам ўзаро манфаатли шериклик қилишга тайёр эканликларини билдирилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий инвесторлар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, мажлисда билдирилган тақлифлар асосида аниқ муддат ва икромчиларни кўрсатган ҳолда, “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

 Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда Туркменистон Президенти хурматли Сердар Бердимухамедовнинг жорий йил июль ойда Тошкентга амалга оширган тарихий ташифи стратегик шериклигимизни янада чуқурлаштиришга катта куч ва шиддат бағишлаганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шунингдек, кўп қиррали муносабатларимизнинг юксак ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳида ривожланиб боришида Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати раиси мухтарам Гурбангули Мяликулиевич

Бердимухамедов Жаноби Олийларининг ҳам мисли қўрилмаган ҳиссаси борлигини айтиб ўтишни истар эдим.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Қардош халқларимиз ўртасида маданий-маърифий алоқалар йил сайин фаоллашиб борапти, турли концерт ва фестиваллар, кўргазмалар ташкил этилмоқда, маданият ва кино кунлари ўтказилмоқда, юртимизда туркман миллий маданият марказлари ишламоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Фанлар академияси томонидан тайёрланган 100 жилддан ibорат “Туркий адабиёт дурдо-

налари” номли асарлар мажмуасининг 10 та жилди туркман адабиёти намуналарига ажратилди. Ушбу жамланмадан Озодий, Андалиб, Махтумқули, Мулланафас, Берди Кербобаев, Хидир Деряев, Отажон Тўфон каби ўнлаб машҳур мумтоз ва замонавий шоир-ёзувчиларнинг сара асарлари жой олгани айниқса эътиборлидир.

Шунингдек, 2018 йилда Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига туркман халқининг буюк фарзанди, мутафаккир шоир, туркман адабиётининг ёрқин намоиядаси Махтумқули номи берилиб, сўлим хиёбон

барпо этилди, шоир сиймоси акс этган барельеф ўрнатилди.

Хоразм вилояти Урганч туманидаги “Туркманлар” маҳалласида жойлашган қадимий “Улли ҳовли” ёдгорлик мажмуаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Пойтахтимиз марказида бунёд этилган “Ашхобод” боғи минглаб ватандошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг сеvimли гўшасига айланиб улгурди.

Туркменистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар учун алоҳида эътибор кўрсатиб келинмоқда. Яқинда бетақрор Ашхобод шаҳрида барпо этилган мухташам “Тошкент” боғи эса ўзбек

ва туркман халқларининг абадий дўстлиги рамзи бўлиб қолади.

Ишончим комилки, икки қардош ва азалий дўст элларимизнинг қалбларини бир-бирига чамбарчас боғлайдиган бу каби маданият байрамлари ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан бундан кейин ҳам изчил давом этади.

Фестивалнинг барча иштирокчиларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва зғгу фаолиятларида янги муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИБЕРСПОРТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГ ОММАЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада киберспортни хавфсиз ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича экотизим яратиш, мусобақалар ва турнирларни тизимли равишда ўтказиш орқали иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал киберспортга йўналтириш, ахборот технологиялари ва IT-индустрия учун салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва уларни соҳага жалб қилиш ишларини янада кенгайтириш мақсадида:

- Республикада **киберспорт** расман алоҳида спорт тури сифатида **эътироф этилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.
- Қуйидагилар **киберспорт турларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

киберспорт турлари бўйича профессионал спортчилар (**киберспортчилар**) ва **тренерлар, малакали ҳакамлар ва шарҳловчилар** ҳамда бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш тизимини жорий қилиш;

киберспорт турлари бўйича республика ва халқаро **чемпионатлар** ва **турнирлар** ташкил этиш, шунингдек, нуфузли **халқаро** ва **минтақавий** мусобақаларда муносиб иштирок этиш;

киберспорт турлари бўйича **илмий** ва **ўқув-услубий қўлланмалар** ва **адабиётлар** ишлаб чиқиш ҳамда нашр этиш;

киберспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва кенгайтириш, соҳага тўғридан-тўғри **инвестициялар** жалб қилишни рағбатлантириш;

киберспорт турларига нисбатан **ижобий жамоатчилик фикрини** шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

- Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** ҳамда **Ёшлар ишлари агентлиги** республикада киберспорт турларини ривожлантириш ва кенг оммалаштиришга **масъул ваколатли давлат органлари этиб белгилансин.**

Бунда уларнинг вазифалари қуйидагича белгилансин:

Спортни ривожлантириш вазирлиги — киберспортни расмий спорт тури сифатида тарғиб қилиш, у бўйича маҳаллий ва халқаро чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни ташкил этиш, жаҳон киберспорт майдонида Ўзбекистоннинг мавқеини яхшилаш бўйича чораларни кўриш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги — компьютер уйинлари саноати бўйича маҳаллий ва хорижий компанияларга зарур шарт-шароитлар яратиш, республика миқёсида киберспорт чемпионатлари, турнирлари ва бошқа мусобақаларни ташкил этишга қўмаклашиш;

Ёшлар ишлари агентлиги — ўқувчи-ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида киберспорт турларига ёшларни, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшларни кенг жалб қилиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги ютуқларини қўшимча рағбатлантириш, киберспорт бўйича халқаро чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларда маҳаллий киберспортчилар иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

- Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йилдан бошлаб анъанавий тарзда **киберспорт турлари** бўйича:

ҳар йили **апрель** ойда “**Uzbekistan Esports Championship**” республика чемпионатини;

ҳар йили **декабрь** ойда “**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги**” туринини;

ҳар йили **июнь** ойда “**Ёшлар кубоги**” туринини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

- Белгилансинки:

а) “Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионати, “Ўзбекистон Респу-

бликаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги” ва “Ёшлар кубоги” турнирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги ПҚ–201-сон қарорида белгиланган талабларга мувофиқ, **уч босқичда ташкил этилади.** Бунда туман (шаҳар) ва вилоят босқичлари онлайн тарзда ўтказилади;

б) “Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионати 2024 йил 1 январдан бошлаб, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги” турнири эса 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **республика календарь режасига киритилади;**

в) “Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионати, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги” ва “Ёшлар кубоги” турнирлари, шунингдек, киберспорт турлари бўйича бошқа чемпионатлар, турнирлар ва мусобақаларни ўтказиш бўйича **махсус портални** (кейинги ўринларда — Портал) яратиш ва молиялаштириш ҳамда доимий техник қўллаб-қувватлаш **Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк дирекцияси** (кейинги ўринларда — IT-парк) томонидан амалга оширилади. Бунда Портални яратиш учун маблағлар IT-паркка Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилади;

г) “Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар **2023 йилда қуйидаги тартибда амалга оширилади:**

чемпионатнинг республика финал босқичини ўтказиш учун — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан IT-паркка бир марталик ажратиладиган **1,5 миллиард сўм** маблағлари ҳисобидан;

чемпионатнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини ўтказиш учун — спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳудудий календарь режаси, Ёшлар ишлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасидан тенг улушларда ажратиладиган жами **2 миллиард сўм** маблағлар ҳисобидан **амалга оширилади;**

д) 2024 йилдан бошлаб “**Uzbekistan Esports Championship**” республика чемпионатини **молиялаштириш** манбалари этиб қуйидагилар ҳисобланади:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига мазкур мақсадлар учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар;

ҳудудий “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари;

жамғармалар, спорт федерация (ассоциация)лари, клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

- Солиқ кодексининг 369-моддаси 1-бандига мувофиқ, “Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионати, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги” ва “Ёшлар кубоги” турнирлари, шунингдек, киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларда ғолиб ҳамда совриндор бўлган киберспортчиларга бирйўла бериладиган **пул мукофотлари ва совғалар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмаслиги** ва ўз навбатида, **солиққа тортилмаслиги** маълумот учун қабул қилинсин.

- Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш бўйича **идоралараро кенгаш** (кейинги ўринларда — Идоралараро кенгаш) **ташкил қилинсин** ҳамда унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

- Қуйидагилар Идоралараро кенгашнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

мамлакатимизда киберспорт турлари салоҳиятини ўрганиш, ушбу соҳада замонавий стандартларни жорий қилишни ташкил қилиш;

ёшлар ўртасида киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни (шу жумладан, “Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионати, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги” ва “Ёшлар кубоги” турнирлари) ташкил этиш ва оммалаштириш;

киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомлارни тасдиқлаш, шу жумладан, улар доирасида ўтказиладиган киберспорт турларини белгилаш;

киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларни ўтказиш учун харажатлар сметасини тасдиқлаш ва молиялаштириш ҳажмларини белгилаш;

киберспорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоаларининг жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда бошқа халқаро турнирларда иштирокини таъминлаш;

киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва бошқа мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни рағбатлантириш чораларини белгилаш;

киберспортни янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш.

- Қуйидагиларни назарда тутувчи **Киберспорт турларини янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш чора-тадбирлари дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

киберспорт лигасини ташкил қилиш ва унинг доирасида киберспорт клублари ўртасида тизимли равишда киберспорт лига мусобақаларини ўтказиш;

киберспортни янада ривожлантириш ва кенг оммалаштириш борасида **спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини** кучайтириш;

киберспортни ривожлантириш соҳасида **давлат бошқарувини такомиллаштириш;**

киберспортчиларнинг **соғлиғига салбий таъсир** кўрсатадиган омилларни камайтириш;

киберспортда “**ping**” **муаммосини** босқичма-босқич бартараф қилиш;

жаҳон бозорига рақобат қила оладиган **киберспорт ўйинларини ишлаб чиқиш** ва **тижоратлаштириш;**

киберспортнинг **истикболлари** ҳақида **тарғибот-ташвиқот ишларини** кучайтириш;

киберспорт билан шуғулланаётган ёшларда **соғлом спорт маданиятини шакллантириш**, улар томонидан қонунга хилоф ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг **олдини олиш.**

- Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб “**Спорт фаолияти: киберспорт**” **бакалаврият** таълим йўналишини очиш ҳамда ушбу йўналиш бўйича ўқиш муддатини **3 йил этиб белгилаш;**

“Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионатида охириги бир йилда ғолиб (1-ўрин) бўлган киберспортчиларни 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг “Спорт фаолияти: киберспорт” бакалаврият таълим йўналишига **касбий (ижодий) имтиҳонларни** топширишдан **озод қилиш** ва **уларга максимум балл бериш;**

киберспорт фаолиятини **ўзини ўзи банд қилган шахслар** шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритиш;

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида киберспорт турлари бўйича

тренерлар, шарҳловчилар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

- Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) Спортни ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, киберспорт бўйича самарали фаолият олиб бораётган спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **миллий киберспорт ўйинларини яратиш ва тарғиб қилиш** мақсадида **Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтига 2023 йилда грант ажратсин.**
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) Спортни ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига (ХАЛИКК—2020) **киберспорт тренери, киберспорт ҳаками ва бошқа киберспорт мутахассислари** киритилишини таъминласин.
- Ёшлар ишлари агентлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2023 йил 1 январдан бошлаб:

киберспорт клубларига уларнинг бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатларини қоплаш учун ҳудудий “Ёшлар дафтари” жамғармалари маблағлари ҳисобидан **ҳар ойда 3 ой давомида 15 миллион сўмгача пул маблағларини** ажратиш;

ажратилаётган маблағларни **киберспорт клубларига алоҳида шартлар** (киберспортчиларни тайёрлаш, тренер жалб қилиш, мусобақаларда иштирок этиш ва бошқалар) **асосида бериш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ёшлар ишлари агентлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда киберспорт клубларига пул маблағларини ажратиш **шартларини белгиласин ва эълон қилсин.**

- Олимпия шаҳарчаси объектларини лойиҳалаш, қурилиш-монтаж, жиҳозлаш ва молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳининг Тошкент шаҳри, Яшнобод туманида барпо этилаётган **Олимпия шаҳарчасида** киберспорт турлари бўйича чемпионатлар, турнирлар ва мусобақаларни ўтказиш учун **замонавий киберзонани ташкил қилиш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Бунда, киберзона, шу жумладан, қуйидагилардан ibорат бўлиши белгилаб қўйилсин:

чемпионатлар, турнирлар ва мусобақалар ўтказиладиган махсус зал;

мобил киберспорт машғулотлари зали;

сервер ускуналари сақланадиган жой;

ўқув-машғулот маркази;

чемпионатлар, турнирлар ва мусобақаларни тўғридан-тўғри ёритиш, сценаристлар, режиссёрлар, таҳлилчилар ва шарҳловчилар учун студия;

киберспорт махсулотлари ва товарларини реклама ҳамда реализация қилиш шохобчаси.

Белгилансинки, киберзона фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар **Олимпия шаҳарчаси объектларини лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишлари учун белгиланган манбалар ҳисобидан** амалга оширилади.

Олимпия шаҳарчаси объектларини лойиҳалаш, қурилиш-монтаж, жиҳозлаш ва молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи (А.Арипов) киберзонанинг **лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқиши** ҳамда давлат

экспертизасидан ўтказилишини таъминласин, шунингдек, лойиҳа объектлари ўз вақтида ва сифатли қурилиши устидан назорат ўрнатсин.

- Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2023-2024 йилларда замонавий киберспорт ареналарини ташкил қилиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, киберспорт турлари бўйича халқаро турнирларни ўтказиш учун халқаро ташкилотлар **грантлари, техник қўмак ва бошқа ташқи бегараз қўмак маблағларини** жалб қилиш чораларини кўрсин;

“Uzbekistan Esports Championship” республика чемпионати, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кубоги” ва “Ёшлар кубоги” турнирларининг **саралаш босқичлари ўтказилишини таъминласин.**

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда киберспорт бўйича самарали фаолият олиб бораётган спорт федерация (ассоциация)лари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар бир ҳудуднинг битта тумани (шаҳри)да киберспортнинг камида иккита турини оммалаштириш бўйича “**йўл хариталари**”-ни тасдиқласин. Бунда, **2023 йилдан бошлаб** ҳудудларда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилсин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳудудий **календарь режаларига** киберспорт турлари бўйича мусобақаларни киритиш ҳамда тизимли равишда ҳудудий спорт мусобақаларини ўтказиш, шу жумладан, ҳар йили бир мартаба **“Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси кубоги”** ва “**Ҳоким кубоги**” турнирларини ташкил қилиш;

киберспорт бўйича тизимли равишда ҳудудий спорт мусобақаларини ўтказиш учун маҳаллий бюджетлар маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини **жалб қилиш;**

мусобақаларда **ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни** пул мукофотлари, диплом, медаль, кубок ва бошқа совғалар билан тақдирлаш;

киберспорт бўйича **ҳудудий спорт федерация (ассоциация)ларини ташкил қилишни** қўллаб-қувватлаш, мавжуд спорт федерация (ассоциация)лари ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини кенгайтиришга қўмаклашиш.

- Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) бир ой муддатда киберспорт турларига нисбатан ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган мақолалар эълон қилиш, тематик телекўрсатувлар намойиш этиш бўйича **медия-режа қабул қилсин.**

- Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов**, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири **Ш.Х.Шерматов** ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори **А.З. Саъдуллаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, иқро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 16 ноябрь

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА МУСТАҚКАМ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Лазиз ҚУДРАТОВ,
Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирининг биринчи ўринбосари

Хар куни эрталаб кунни режалаштираётганда, доимо долзарб бўлган “Тартиблилик вақтни тежайди”, “Ижро одоби — интизомнинг асоси” каби иборалар эсга олинади. Улар устувор вазифаларни қўйишга, жамоага энг долзарб йўналишларни белгилаб беришга, раҳбарият ва юқори идоралар томонидан берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга ёрдам беради.

Шу нуктаи назардан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги раҳбарияти томонидан юқори органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини, вазирлик раҳбарияти томонидан берилган топшириқ ва вазифалар бажарилишини, Ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишлари ҳамда Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатлар билан олий ва юқори даражадаги учрашувлар доирасида қабул қилинган Битим ва Баённомаларини амалга ошириш борасида барча таркибий бўлинмаларнинг аниқ ва ўзаро келишилган ҳолда фаолият олиб боришини таъминлашга катта эътибор қаратишмоқда.

Вазирлик тизимида бу борадаги ишлар Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Республикада экспорт ва инвестиция салохиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил қилинган.

Вазирликда ҳужжат айланишини ташкил этиш тизимига мувофиқ келган ҳар бир топшириқ бир кун ичида масъул бажарувчига етказилади, ижро муддати назоратга олинади. Ҳамма босқичлар ijro.gov.uz тизими ёрдамида электрон шаклда юритилади.

Хар куни вазирлик раҳбарига топшириқлар бажарилиши ҳолати юзасидан ҳисоботлар тақдим этилади.

Бу жорий вазият тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш, унга ўз вақтида тўғри баҳо бериш ва зарур бўлса, уни янада яхшилаш учун тезкор чоралар кўриш имконини беради.

Масалан, жорий йилнинг 1 ноябрига қадар вазирликка Президент томонидан тасдиқланган 293 ҳужжат келиб тушган, улар асосида ижрочиларга 1407 вазифа аниқ белгилаб берилган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 43 фармони билан 253, 142 қарорига асосан 510, тасдиқланган 6 тартиб бўйича 53, 102 учрашув баённомаси доирасида 591 йўналишдаги алоҳида топшириқ-вазифалар қўйилди.

Жорий қилинган қатъий ижро назорати ёрдамида давлат раҳбарининг 32 фармони бўйича 152 топшириқ, 90 қарори бўйича 263 топшириқ, 6 тартиб доирасида 48 топшириқ ва баёнлар бўйича 389 топшириқ бажарилди.

Албатта, бир қараганда, буларнинг бари статистик рақамлар бўлиб кўриниши мумкин. Аммо бажарилган ҳар бир топшириқнинг ортида кўплаб одамларнинг меҳнати, саноат тармоқларининг муваффақиятли ривожланиши, минглаб фуқароларни иш билан таъминлайдиган йирик қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши турибди.

Масалан, Президентимизнинг 2022 йил 6 апрелдаги “Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони талабларининг ўз вақтида бажарилиши Европа Иттифоқи мамлакатларига юқори қўйилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда маҳаллий корхоналарга уларнинг транспорт харажатларини қоплаш учун 70 фоизгача, қўшни давлатларга экспорт қилишда эса 50 фоизгача миқдорда субсидиялар бериш механизмини жорий этишга, товар, ишлар ва хизматларни экспорт қилишда талаб қилинадиган олдиндан тўлов миқдорини 100 фоиздан 50 фоизгача камайтириш имонини яратилди.

Бундан ташқари, Ҳукумат комиссияси қарорлари асосида Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёшлар лойиҳаларига 500 минг АҚШ долларига-ча кредит ажратиш механизми йўлга қўйилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 7 сентябрдаги фармонининг ўз вақтида бажарилиши дастлабки устав капитали 100 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ва босқичма-босқич 1 миллиард долларга етказиладиган МЧЖ шаклидаги “Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси” инвестиция компанияси ташкил этилишига туртки бўлди.

Жамғарма ташкил топиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётнинг турли соҳаларида хорижий инвесторлар билан истиқболли қўшма лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш ва йирик, юқори даромадли ташаббусларни янада самарали амалга ошириш имкониятини кўлга киритди. Бу эса хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга инвестиция киритишга бўлган қизиқишининг янада ошишига олиб келади.

“ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 НОЯБРИГА ҚАДАР ВАЗИРЛИККА ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН 293 ҲУЖЖАТ КЕЛИБ ТУШГАН, УЛАР АСОСИДА ИЖРОЧИЛАРГА 1407 ВАЗИФА АНИҚ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН. ЖУМЛАДАН, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 43 ФАРМОНИ БИЛАН 253, 142 ҚАРОРИГА АСОСАН 510, ТАСДИҚЛАНГАН 6 ТАРТИБ БЎЙИЧА 53, 102 УЧРАШУВ БАЁННОМАСИ ДОИРАСИДА 591 ЙЎНАЛИШДАГИ АЛОҲИДА ТОПШИРИҚ-ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ.

Йиғилишларда қабул қилинадиган қарорлар товар айланмасини кўпайтириш, ташқи савдо соҳасидаги тўсиқларни бартараф этиш, транспорт ва логистика йўналишларини ривожлантириш, турли соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, саноат кооперациясини кенгайтиришга қаратилган.

Ушбу ечимларнинг аксарияти ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар учун чин маънода ўта муҳим ва долзарбдир. Бу тадбирлар тезкорлик билан амалга оширилиши керак, чунки савдо масалаларида ҳар бир кун ғаниматдир. Шу сабаб, вазирлик қўйилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш учун энг қатъий чораларни қўллашга шай ва ҳозир.

Жумладан, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистоннинг Ўмон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Венгрия, Тожикистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбайжон, Хитой, Беларусь, Россия, Япония каби 14 хорижий давлатлар билан Ҳукуматлараро комиссиялари йиғилишлари, шунингдек, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО РИШТАЛАР

БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БИЛАНГИНА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН

Шу кунларда Шарм аш-Шайх шаҳрида (Миср) БМТ Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенция томонлари конференциясининг йигирма еттинчи сессияси бўлиб ўтмоқда. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этмоқда.

Ушбу конференция 1995 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинади. Жорий йилда конвенция иштирокчилари иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш масалаларини кўриб чиқмоқда.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раиси ўз нутқида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина оқибатлари Марказий Осиёда ҳам аяқол кузатилаётган иқлим ўзгаришлари муаммосига қарши туриш мумкинлигини таъкидлади. — Ўзбекистоннинг асосий мақсади амалга оширилаётган таркибий ислохотларга “яшил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш орқали иқтисодий тараққиётга эришишдир. Бу йўналишда иқтисодиётнинг барча секторларида углероддан камроқ фойдаланишга ўтиш ва ресурсларни тежаш, самарали ва экологик тоза технологияларни жорий этиш устувор йўналиш ҳисобланади, — деди Т.Норбоева.

Париж битими доирасида Ўзбекистон 2030 йилгача ЯИМ бирлигига иссиқхона газлари чиқа-

Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари натижаларига кўра 100 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Жорий йил якунига қадар Қозоғистон, Қирғизистон, Жанубий Корея, Финляндия, Латвия билан Ҳукуматлараро комиссияларининг яна 5 йиғилиши режалаштирилган.

Вазирлик томонидан эришилган келишувларнинг бажарилиши, шартнома мажбуриятларининг ижроси ва қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилишини тизимли равишда назорат қилиб борилади.

Оддий тил билан айтганда, белгиланган муддатларнинг якунидан дарак берувчи “қизил чироқ” ёнмасдан туриб, вазирлик видеоконференцалоқа тарзида ҳамкорлар ўртасида учрашув ва музокаралар ташкил қиладди. Хар бир лойиҳани ўз вақтида ҳаётга татбиқ

қилиш мақсадида иш жараёнида юзага келадиган масалалар ва муаммоларни ҳал этиш учун барча амалий ёрдам кўрсатади. Чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларда ижро интизоми халқро даражадаги аҳамиятга эга омилга, халқро хушмуомалалик ва одоб-ахлоқ кўрсаткичига айланади. Музокара олиб борувчи томонларнинг масъулияти, қабул қилинган мажбуриятларни бажариш интизоми ҳамкор мамлакатларнинг ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакилларида шахсий ишонч туйғусини шакллантиришнинг энг муҳим омиллиридир.

Шахсий ишонч, ўз навбатида, инвестициявий ёки сиёсий қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу билан бирга, хорижий шериклар билан ҳамкорлик доирасида ижро интизоми таъминлашга қаратилган фаолият ҳар бир олий ва юқори даражадаги ташриф якунлари бўйича кабул қилинадиган тегишли “йўл хариталари”да белгиланган топшириқлар устидан назоратни ҳам қамраб олади.

Ҳозирда Япония, Малайзия, ХХР, Покистон,

БАА, Саудия Арабистони, Қатар, Эрон, Вьетнам, Туркия, Афғонистон, Жанубий Корея, Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари билан турли йўналишларда “йўл хариталар”ни амалга оширмоқдамиз.

Булар мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларига ижобий таъсир кўрсатадиган, ўн минглаб янги иш ўринларини ташкил этишда ёрдам берадиган кенг қамровли ҳужжатлардир.

Мисол учун, Президентимизнинг 2022 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган Саудия Арабистони Подшоҳлигига давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунларига кўра имзоланган ҳужжатларни, эришилган инвестиция лойиҳалари ва келишувларни амалга ошириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича “йўл хариталари”ни келтириш мумкин.

Инвестиция лойиҳалари ва келишувларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”нинг ўзи 2026 йилгача босқичма-босқич амалга ошириладиган муқобил энергетика, пропилен ишлаб чиқариш, тиббий хизмат ва фармацевтика материаллари ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги, чакана савдо тармоғини ташкил этиш, инфра-тузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилиши каби соҳаларда жами 15,03 миллиард долларлик 14 лойиҳани ўз ичига олади.

Қолган иккита “йўл харитаси” доирасида транспорт ва логистика, бан-таълим, туризм, банк соҳасини ривожлантириш, савдо ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилишини назарда тутган.

Таъкидлаб ўтилганидек, булар шунчаки рақамлар эмас. Бу инсонларнинг ҳаёт сифатини, аҳоли даромадини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, маданий-гуманитар, маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мамлакатимизда инсон қадр ва манфаатларини кафолатли таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган бошқа саъй-ҳаракатларнинг ажралмас қисмидир.

Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг қўндалик қоидаси бўлиши керак. Ушбу қоида ҳар қандай ташаббус ижросининг муваффақият таомилдир. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўз фаолиятининг барча йўналишларида Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва Янги Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий, инвестициявий ва ишбилармон доираларида масъулияти ва ишончли ҳамкор сифатидаги имижини шакллантириш мақсадида ижро интизоми таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Марказий Осиё — Европа Иттифоқи: ЕВРООСИЁ РАВНАҚИ ЙЎЛИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

17-18 ноябрь кунлари Самарқандда “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” форматидagi 18-вазирлар учрашуви ва “ЕИ — Марказий Осиё” форматидa ўзарo боғлиқлик бўйича “Барқарор тараққиёт учун глобал дарвоза” конференцияси бўлиб ўтади.

Тадбирда иштирок этиш учун Ўзбекистонга Европа Иттифокининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель келиши кутилмоқда.

Бўлажак тадбирлар, шунингдек, 27 октябрь кунни Остона шаҳрида “ЕИ — Марказий Осиё” саммити муваффақиятли ўтказилгани ва Европа комиссияси президенти Шарль Мишелнинг Ўзбекистонга ташрифи минтақалараро мулоқот ва ҳамкорлик фаоллашгани, томонларнинг кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришга интилишининг яққол тасдиғидир.

“Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” мулоқоти минтақа давлатлари билан ҳамкорлигининг қўшимча воситасини яратиш мақсадида 2004 йил ноябрь ойида ЕИ ташаббуси билан бошланган. Мулоқот доирасида ЕИ Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизлиқни мустаҳкамлаш, барқарор иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қўмаклашмоқда.

2004 йилдан 2006 йилгача ушбу мулоқот доирасида учта учрашув — Бишкекда (Қирғизистон, 2004 йил), Брюсселда (Бельгия, 2005 йил) ва Олмаотада (Қозоғистон, 2006 йил) бўлиб ўтди.

2007 йилдан бошлаб Германия ташаббуси билан ЕИнинг Марказий Осиё бўйича стратегияси қабул қилиниши ортидан ташқи ишлар вазирлари даража-сида учрашувлар ўтказила бошланди. Ҳозирга қадар ташқи ишлар идоралари раҳбарларининг 17 та учрашув-и бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар идоралари раҳбарлари даражасида “ЕИ — МО” вазирлар учрашуви ўтказилиши мунтазамлик касб этиши бораберида, худди шундай форматда доимий учрашувлар ўтказишнинг бошқа механизмлари яратилди. Улар орасида парламентлараро алоқалар, иқтисодий, савдо, инвестиция, адлия, демократия, инсон ҳуқуқлари, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурслари масалалари бўйича тегишли идоралар ўртасида учрашувлар ўтказилмоқда.

2013 йилдан буён ташқи ишлар вазирлари ўрин-босарлари даражасида сиёсий ва хавфсизлик масалалари бўйича “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” юқори даражадаги мулоқоти йўлга қўйилди. 2019 йилда Европа Иттифокининг минтақага оид янги-ланган стратегияси қабул қилиниши билан минтақалараро мулоқотнинг янги форматлари — “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” иқтисодий форуми, Фуқаролик жамаияти форуми фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” ҳамкор-лиқни мустаҳкамлаш бўйича вазирлар конференцияси иш бошланди. Давлатимиз раҳбарининг Хвада 2023 йилда биринчи “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” туризм форумини ўтказиш ташаббусини ЕИ ва Марказий Осиё давлатлари ҳам қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон минтақамиз ва Европа Иттифоқи ўр-тасидаги ҳамкорлиқни изчил чуқурлаштириш тараф-

доридир. Президент Шавкат Мирзиёев савдо-иқти-содий ҳамкорлиқни ривожлантириш, жумладан, ЕИ бозорига мақбул кириш учун самарали транспорт логистикаси йўлақларини яратиш, инвестициялар, экинновациялар, энергия ва ресурсларни тежайди-ган технологиялар каби қатор устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Афғонистоннинг тар-тибга келиши масаласи ҳамкорлиқнинг муҳим йўна-лиши ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил октябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” саммитидаги нутқида бу соҳаларда қатор муҳим ва самарали ташаббусларни илгари сурди, шунингдек, Ўзбекистон шу форматда мам-лакатларимиз хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва фаровонлиги учун очик, тизимли ва самарали мулоқотга содиқлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Ўзбекистон ва Европа ҳамжамиятлари ўртаси-даги муносабатларнинг бошланиши 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон ҳукумати ва Европа Иттифоқи комиссияси ўртасида ўзаро англашув меморанду-ми имзоланишига тўғри келади. 1994 йил 16 ноябр-да томонлар ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Ҳозирги вақтда томонлар жорий йилнинг 6 июли-да Брюсселда парафирланган Кенгайтирилган ше-риклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича му-зокараларни муваффақиятли якунлади. Ушбу кенг қамровли ҳужжат икки томонлама алоқаларни бутун-лай янги босқичга олиб чиқishi кутилмоқда.

Ўтган йили апрель ойида Ўзбекистонга “GSP+” имтиёзлар тизимининг бенефициар давлати мақо-ми берилди, бу мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш соҳасидаги мажбуриятларини бажаришдаги муваффақиятлари Европа Иттифоқи томонидан эътироф этилганини тасдиқлади. Ушбу мақомнинг кўлга киритилиши тўғрйли Ўзбекистон-нинг Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорти ҳажми сезиларли даражада ошди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошиб, 15,8 фоиз ўсди. Келгуси йилларда бу кўрсат-кични 10 миллиард долларга етказиш режалашти-рилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда ЕИ давлатлари сармояси иштирокида 1052 та корхона, жумладан, 304 та корхона 100 фоиз Европа капитали асосида фаолият юритмоқда.

Шубҳасиз, Самарқандда “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” форматидa бўлиб ўтадиган тадбир-лар натижалари минтақалараро ҳамкорлик асосла-рини мустаҳкамлайди, халқларимиз фаровонлиги йўлида мавжуд ўзаро манфаатли шериклик салохия-тини рўёбга чиқаради ва бу борадаги алоқалар кўпамларни сезиларли даражада кенгайтиришга хизмат қилади.

“Дунё” АА

ларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ислохот-лар кечмоқда.

Ўзбекистон Орол денгизи инқироzi билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қатъий чоралар кўриб келади. Сўнгги беш йилда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар-дан ортиқ ўрмонзор барпо этилган бўлса, 2026 йилга келиб бу кўрсаткич 2,5 миллион гектар-гача етади ёки ҳудуднинг қарийб 80 фоизини қамраб олади. БМТ Бош Ассамблеясининг мах-сус резолюцияси билан Оролбўйи минтақаси Экологик инновациялар ва технологиялар худу-ди, деб эълон қилинди.

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ўз нутқида мамлакатимиз халқро ҳамжамият би-лан фаол ҳамкорлик қилишга тайёргилини билди-риб, минтақавий иқлим кенгашини ташкил этиш тақдирини илгари сурди. Бу иқлимга мослашиш бўйича лойиҳаларни тарғиб қилишда, чўлланиш ва ер деградациясига қарши курашишда, сув те-жовчи технологиялар жорий этишда ҳамкорлик самарадорлигини ошириш имконини беради.

Кейинги йилда Ўзбекистонда чўлланишга қар-ши курашиш ва ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш бўйича БМТнинг иккита йирик тадбирини ўтказиш режалаштирилмоқда.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДОИРАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева Қоҳира шаҳрида 22 араб давлатини бирлаштирган Араб давлатлари парламентлари лигаси раиси Одил ал-Асумий билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон парламентининг араб давлатлари парла-ментлари, хусусан, Араб давлатлари парламентлари лигаси билан ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Танзила Норбоева Ўзбекистон парламенти ва мазкур лига ўртаси-даги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш мақсадида англашув меморандуми-ни имзолаш тақдирини қўллаб-қувватлаб, ўзаро дўстлик ва манфа-атли муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан ривожлантиришга рағбат билдирди.

Одил ал-Асумий Араб давлатлари уюшмаси, жумладан, Араб дав-латлари парламентлари лигаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги етакчи ўрнини эътироф этган ҳолда, мамлакатимиз билан барча соҳа-ларда, хусусан, парламентлараро ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш-га тайёргилини қайд этди. Шунингдек, араб ишбилармон доиралари иштирокида Ўзбекистонда йирик иқтисодий форум ўтказиш тақдифи қўллаб-қувватланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини араб давлатларига экспорт қилиш ва бунда транспорт логистикаси ма-салаларини самарали ҳал этиш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш борасида юритила-ётган давлат сиёсатининг юқори самараси эътироф этилган ҳолда, 2023 йилда Самарқанд шаҳрида араб ва мусылмон мамлакатлари пар-ламентлари аёл аъзоларининг биринчи форумини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева Миср Араб Республикаси парламенти Сенати раиси Абдулвахоб Абдуррозик билан ҳам учрашди.

Учрашувда икки томонлама алоқа-ларга доир қатор масалалар, хусусан, савдо-иқтисодий, маданий гуманитар ҳамда парламент йўналишида фаол ҳамкорлиқни ривожлантириш маса-лаларни муҳокама қилинди.

Танзила Норбоева парламентлар дўстлиги мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим механизмлардан бири эканини таъкид-лаб, Миср парламенти билан ўзаро ҳамкорлиқни кучайтиришга, жумладан, олий даражада эришилган келишу-вларни амалга ошириш доирасидаги ва-зифаларнинг бориши устидан тизимли парламент назоратини ўрнатишга тай-ёргилини билдирди.

Абдулвахоб Абдуррозик кейинги йилларда ўзаро алоқалар янги, янада юқори босқичга кўтарилгани ва турли соҳаларда катта амалий натижаларга эришилаётганини мамнуният билан қайд этди. 2023 йилда Самарқанд шаҳрида араб ва мусылмон мамла-

катлари парламентлари аёл етакчи-ларининг биринчи форумини ўтказиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Эътиборлиси, мулоқотда аҳоли-нинг иқтимоий эҳтиёжманд қатлам-лари, жумладан, аёллар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи икки мамлакатда ҳам дав-лат сиёсати даражасига кўтарилган устувор йўналишларидан бири экани таъкидланиб, бу борада ўзаро тажри-ба алмashiш ва ҳамкорлиқни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, маданий-гуманитар соҳа-даги алоқаларга ҳам эътибор қара-тилди.

Мулоқот давомида томонлар ўрта-сидаги ҳамкорлик алоқаларини яна-да кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини тартибга солувчи “йўл харитаси” ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этишга келишиб олинди.

Ҳожиакбар ТЎЛАГАНОВ

САМАРҚАНД РУҲИ

ТУРКИЙ ДУНЁНИ
БУЮК КЕЛАЖАК КУТМОҚДА



Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Инсон бу ёруғ оламга нима мақсадда келиб кетади? Қандай яшаши, умрини қандай сарфлаши, нималардан тийилиши керак? Бу саволларга жавоб топиш учун ҳар бир киши ҳаётнинг ҳикмат қозонида қайнаши, олис мозий ва келажакка мушоҳадавий сафар қилиши, улуғ алломаларнинг “Яшамоқлик баҳам кўрмоқликдир”, деган хулосаси замиридаги маъно-моҳиятни англаб етиши талаб этилади. Бу англаш ер юзидаги барча моддий ва маънавий бойликлар буюк сарҳисобга қадар туғилажак зурриётлар учун яратилгани, улардан баҳраманд бўлишга ҳамма ҳақли эканини тан олишдан бошланади. Шундай экан, улардан фойдаланиш сиёсати муайян давлат ёки миллат манфаатларига мослаштирилмаслиги керак. Улуғларнинг “Ҳамжихат яшанглар, бир-бирингизга ризқ улашинглар, кенгга — кенг, торга — тор дунё бу”, деган ўғитидан англашиладиган маъно ҳам шу.

бугун ҳам сон-саноксиз ва уларнинг сафи, таас-суфки, озаётгани йўқ.

Бугунги мураккаб дунёда иқтисодий ман-фаат иштиёқи кўп ҳолларда маънавий-ахлоқий қадриятлардан устун келмоқда. Ҳаёт иккита йўл ёқасида қайси бирини танлаш ҳақида бош қотира-ётган, тараддулданиб қолган беқарор кишининг жумбоқли ҳолатида тайассурот уйғотади. Улардан бирда инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам моддий бойликдан устун туради, иккинчисида эса бойлик, мулкка эгалик туйғуси инсон устидан ҳукмронлик қилиб, одамларни маънавий-ахлоқий таназзулга бошлайди. Бу йўл шундоқ ҳам бўлинган дунёни қайта тақсимлаш истагини кучайтиради, неча минг йиллар тинч-тотув, баҳамжихат яшаб келаятган давлатлар ўртасига нифок уруғини сочади.

Ҳаётининг кунларимизнинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларидан бири, шубҳасиз, Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқандда ўтказил-ган саммити бўлди. Саммит якунлари, иштирокчи давлатлар раҳбарларининг маърузаларида илгари сурилган муҳим ташаббуслар, қабул қилинган ҳужжатлар бугунги талабга мувофиқ ҳарбий мижозларига доир шарҳлардан кўра ҳам эъти-борли бўлди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, инсоният тарихида ажраллиш, яккаланишдан кўра, бирлашиш, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, дўстлик ва ҳамжихатлик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, умумий мақсадлар сари интилишда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳаммиса муҳим хи-собланган. Самарқанд саммити БМТнинг Барка-рор тараққиёт мақсадлари руҳига ҳамоҳанг кун тартиби, келишув ва хулосалари, янги амалий ташаббуслари билан бугунги мураккаб шароитда дунё қайси йўлдан бориши, инсониятнинг, Ер юзи-да тирикликнинг бундан кейинги тақдирини, келажак-и нималарга боғлиқлигини ҳусусидаги саволларга Самарқанд декларациясида акс этган жавоблари билан ТДТ тарихи солномасида ёрқин саҳифа бў-либ қолади.



МУҲИМ ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият
ва спорт масалалари
қўмитаси раиси

Бугунги кунда Самарқанд бу шонли даврни қайта бошдан кечирапти, дейишга тўла асосимиз бор. Йил давоми-да ушбу масканда бўлиб ўтган глобал миқёсдаги тадбирлар фикримизни тас-диқлайди. Қолаверса, Самарқандда ўт-ган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) раҳбарлари анжумани ҳам нафақат турк дунёсида, балки халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлагандек, кўхна Самарқанд шаҳридаги саммит, хусусан, Самарқанд декларацияси туркий дунё цивилиза-циясининг замонавий тарихида янги

Буюк бунёдкор Амир Темури бобомиз беҳад улуғлаган Самарқанд шаҳри ўз тарихида жуда кўп кенгашу маслаҳат анжуманларига гувоҳ бўлган. Чунки аждодларимиз барча муаммоларнинг ўндан тўққизтасини айнан маслаҳат, кенгаш орқали ҳал этишни ўзига шиор қилиб олган.

юксалиш босқичини бошлаб берди. Ма-кур саммитнинг яна бир жиҳати шуки, катта туркий оила тўлиқ жамулжам бў-либ, янгиланган ТДТ доирасида йиғилиб, “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида қатор хайрли ташаббус-лар илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари тақлиф қилга-ндек, ТДТда институционал ислохот-лар ўтказилиши, айниқса, устувор йўналишлар бўлган сиёсат ва ҳавфсиз-лик, савдо ва инвестиция, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирлар даражасида алоҳида қўмиталар тузилиши ташки-лот нуфузи ва самарадорлиги янада орттишига, давлатларимиз юксалишига салмоқли ҳисса қўшади. Ташкилотга Ўзбекистон раислик қиладиган даврда ушбу ислохотлар сари дадил қадам-лар қўйилиши, шунингдек, “Туркий дунё негоҳи — 2040” концепцияси ҳамда Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегиясидаги вазифалар са-марали амалга оширилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон илгари сурган “Янги иқтисодий имкониятлар ҳу-дуди”ни барпо этиш ташаббуси ТДТ дои-расида инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун локо-мотив вазифасини ўтайди.

Шунингдек, айнан Ўзбекистон тақлифи билан 2022 йил Туркий дав-латлар ташкилоти доирасида Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилиниб, Бухоро шаҳрида глобал ёшлар форуми таш-кил қилинган бўлса, келгуси йилда юртимизда Туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро кон-грессини ўтказиш режалаштирилди.



Унинг доирасида инновация ва таълим вазирлари, олийгоҳлар ректорлари ва ёш етакчилар, иқтидорли ўғил-қиз-лар, ташкилот оқсоқолларининг кенг қамровли учрашувларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ТДТ дои-расидаги барча жараёнларга ташкилот оқсоқоллар кенгашининг жалб этилиши уларнинг бой тажриба ва малакаси-дан унумли фойдаланиш имконини беради.

Қолаверса, Президентимиз Ўзе-бекистон Туркий маданият халқаро таш-килоти — ТУРКСОЙга тўлақонли аъзо бўлганини алоҳида таъкидлаб, ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган ташкилот доирасида келгуси йили Туркий халқлар

маданияти фестивалини ўтказиш тақли-фини тўлиқ маъқулланиши билдирди.

Туркий маданият халқаро ташкило-ти тузилмаси ва фаолияти принциплари тўрисида шартнома ТУРКСОЙнинг таъсис этувчи ҳужжати қўшиланади. Ушбу шартнома 1993 йил 12 июль куни Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида 6 давлат, яъни Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Туркменистон ва Ўзбекистон томонидан имзоланган. Қароргоҳи Анқара шаҳрида жойлашган ташкилотнинг мақсади туркий халқлар ўртасида бирдорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, умумий туркий маданиятни тарғиб қилиш ҳамда уни бўлажак авлод-лар учун сақлаб қолишдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам ТУРКСОЙда маданият вазирлари кенгаши фаолият юритади.

Ҳозирги вақтда ташкилотда Шимолий Кипр Турк Республикаси, Россиянинг Татаристон, Бошқирдистон, Олтой, Саха (Ёкутистон), Тува, Хакасия ҳудудлари ҳамда Молдова таркибидagi Гагаузия ку-затуви сифатида иштирок этмоқда.

Туркий маданият халқаро ташкило-ти фаолиятини амалга ошириш учун жағмарга ташкил этилган бўлиб, унинг маблаг томонларнинг мажбурий бадал-лари ҳисобидан шакллантирилади. Маж-бурий бадаллар миқдори доимий кенгаш томонидан белгиланади.

ТУРКСОЙ туркий тили халқларнинг маънавий қадриятлари ва тарихий-мада-ний меросини асраб-авайлаш, ўрганиш ҳамда халқаро миқёсда оммалаштириш билан шуғулланувчи етакчи тузилма-дир. Ташкилот ЮНЕСКО, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти, МДХ мамлакатлари гумани-тар ҳамкорлик халқаро жағмармаси каби

нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради.

Ўзбекистон ушбу ташкилот билан ҳам-корлик бўйича бой ва самарали тажриба тўплаган. Маданият ва санъат соҳасида тажриба алмаштиришга қўмқашадиган опера фестивали, рассомлар пленери, ёзувчи ва таржимонлар курултойлари ТУРКСОЙнинг аънавий тадбирлари қаторидан жой олган.

Бундан ташқари, ташкилот Наврўз байрамини нишонлаш доирасида қатор тадбирлар ўтказиб, замонавий туркий бастакорлар асарларининг жаҳон саҳна-ларида ижро этилишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Халқаро ташкилот ҳар йили шаҳар-лардан бирини туркий халқлар дунё-сининг маданий пойтахти, деб танлаш ташаббуси билан чиққан. Жумладан, 2020 йилда Хива шаҳри шундай мақомга лойиқ қўрилганди.

ТУРКСОЙ ўзбек халқининг мадания-ти, урф-одати ва аънавларини дунёга намойиш этувчи энг яхши платформа-лардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ўзбекистоннинг ТУРКСОЙга аъзоли-ги бой маданий-маънавий меросни кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизнинг туркий дунё бешиги сифатидаги нуфузини оши-риш, зиёрат туризмининг ривожлантириш ҳамда маданият соҳасидаги қўшма ло-йиҳаларни жадал илгари суришга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифаларини яратган улуғ аждодларимизнинг бебаҳо меросини сақлаб қолиш, уни чуқур ўрга-ниб, келгуси авлодларга беэавол етқа-зиш барчамиз учун энг асосий вазифа-лардан биридир.



форум ўтказишни, келгуси йили Ўзбекистонда туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгрессини ташкил этиш тақлифини ил-гари сурди.

Дунё халқларининг маданий-маърифий ҳам-корлиги ривожига муносиб ҳисса қўиш, мада-ний-маънавий алоқаларни кучайтиришда бадиий адабиётнинг роли ва аҳамияти катта. Шу маъно-да, саммит қатнашчилари Ўзбекистонда туркий давлатлар ёзма адабиётининг энг сара асарлари-дан иборат 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдона-лари” тўпламининг ўзбек тилида нашр этилишини, шунингдек, туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш-га бекиёс ҳисса қўишган буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий номидаги хал-қаро муқофот таъсис этилиб, у биринчи марта Самарқандда тантанали равишда топирили-шини, маъмур муқофотни ҳар йили бериб бориш тўғрисидаги тақлифни мамнунлик билан кутиб ол-дилар ва қўллаб-қувватладилар.

Шу ўринда ўтмишга бир назар ташлайлик. Улуғ аждодларимиз нималарни орзу қилган? Соҳибқи-рон Амир Темури замонида турли давлатлар, салта-натлар ўртасидаги алоқалар қандай эди? Алишер Навоий бобомиз асарларида ҳар бир инсондан савобли ишлар, эзгу амаллар қолиши зарурлигига нега такрор-такрор урғу берилган? Дунёга машҳур Буюк ипак йўли қандай мақсадда юзага келган?

Давлат ва салтанатни идора этишда Амир Темури кенгаш ва машваратлар ўтказиб иш юри-ганини дунё яхши билади. “Темури тузуқлари”да-ги “Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлик аскар қилолмаган ишни бири тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан” жумласида Соҳибқирон ҳарбий куч бажара олмайдиган ишни дипломатик йўл билан ҳал қилиш мумкинлигини таъкидлайди. Амир Темурининг Фарангистон қиро-ли Карл VI га йўллаган мактубида қуйидагиларни ўқиймиз: “Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, бизга муборак мактубларини ҳаммиса йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор этиб, бу соҳада хотиримизни жам қилғай. Яна ҳазратла-ри ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборларини баҳо келтирсак, ҳурмат-иззатлари сакласа, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир. Рисолатни (эчлиқини) ҳам ур-натурмиз. Давлатлари узоқ йиллар комронликда бўлсин. Ҳижрий 805 йил, муҳаррам ойининг авва-лида (милодий 1402 йил 1 август) ёзилди”.

Самарқанд саммити Ўзбекистон бугун халқаро расмий ва халқона дипломатия марказига айла-ниб бораётганини кўрсатди.

Янги асрнинг учинчи ўн йиллиги бошида дунё нимадан азият чеқмоқда? Катта-кичик давлатлар умумманфаат йўлида бирлашмаслик, бир-бири-ни тушунмаслик, тушунса-да, буни тан олишга ички эго йўл қўймаётганидан азобланмоқда. Сиё-сий, ҳарбий тузилмалар дунёга ягона гегемонлик қилиш даври ўтганини тушунишда, таъбир жоиз бўлса, болаларча қайсарлик қилмоқда. Бугунги иқтисодий, маънавий-ахлоқий муаммоларни, улар қайси давлат ёки қитъада бўлишидан қатъи назар, бундан бўён ҳарбий куч-қудрат, вайрон этувчи ажал воситалари эмас, оддий инсоний фазилат-лар ҳал қилиши мумкинлигини англаб етиш вақти келди.

Дунё ўзгарди, бу жараён бетўхтов давом эт-моқда. Одамлар, эл-юрт, турмуш тарзи, иқтисодий тафаккур, маънавий-ахлоқий, фалсафий ва мод-дий қарашларча — ҳаммиса маънан ва ақлан янгиланди. Энди дунёнинг фақат айрим жойлари-да эмас, барча қитъаларда йирик сиёсатдонлар, давлат ва жамоат арбоблари қаторида оддий касб эгалари, ёшлар, аёллар ҳам ўз фикрига эга. Ах-боротлар яшин тезлигида тарқалаётир. Кимнинг кимлиги, ниманинг нималиги, ногаҳоний ҳарбий, молиявий “муруват”лар остига яширилган мақ-сад-мудаололар ҳам бир зумда ошкор бўлмоқда. Шундай шароитда ўз умрини аллақачон ўтаб бўлган “Олга, фақат менинг ортимдан” каби сиё-сий “йўриқнома”лар таъсирида қолиш ўз эрки, миллий тараққиёт йўлини ҳафв остида қолдириш эмасми?!

Яна бир муҳим ҳақиқат шуки, энди дунёнинг ҳеч бир давлати, сиёсий-иқтисодий куч-қудрати, қўли-нинг узун-қисқалигидан қатъи назар, умумдунёвий муаммоларни бир ўзи, бошқалардан узилган ҳол-да ҳал эта олмайди, экологик, маънавий-ахлоқий муаммолар билан боғлиқ чигал тугунларни бир ўзи ечолмайди. Бундан кўринадики, вазиятнинг ўзи дунёни бирлаштишга, ортиқча тўсиқларни ка-майитиришга, ҳамкорлик йўлларини янада кенгай-тиришга даъват этмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг “Туркий дунёимизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихи, улуғ аждодлари ва бекиёс бойлиқла-ри бор. Ва мен ишонаман — туркий дунёни буюк келажак кутмоқда. Бу келажакни, ҳеч шубҳасиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқларимиз билан биргаликда яратамиз”, деган сўзларини ва улуғ зарурат ўзининг қўйма ифодасини топди.



ЭЪТИРОФ

ЖОН АГАР БИР ШИША БЎЛСА, ИЛМ – БИР ЁНГУВЧИ ШАМ

Франция тиббиёт академиясида Абу Али ибн Сино бюсти ўрнатилди

Марказий Осиё халқлари маданиятини ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири Абу Али ибн Сино бўлиб, дунёда Авиценна номи билан машҳур. Замондошлари Ибн Синони “Шайх ар-раис” (“донишмандлар етакчиси”), “Шараф ал-мулк” (“ўлка, мамлакат обрўси, шарафи”), “Хужжат ал-ҳаққ” (“ростликка далил”), “Ҳаким ал-вазир” (“донишманд вазир”) деб аташган. Жаҳон фани тарихида Ибн Сино қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шугулланган ва уларга оид асарлар ёзган.



Рустам ЖАББОР, журналист

Гарчи уни “Авиценна” сифатида Ғарбда машҳур қилган тиббий мероси, хусусан, “Тиб қонунлари” бўлса-да, “Шайх ар-раис” номи, энг аввало, унинг буюк файласуфлигига ишорадир. Яқинда Парижда Avicenna international prize (халқаро Авиценна — Ибн Сино мукофоти) билан тантанали тақдирлаш маросимида ҳам буюк мутафаккир шахси борасида эътиборга молик мулоҳазалар билдирилди. Мукофотларни Франция Тиббиёт академияси Президенти жаноб Тран Ба Хюи топширди. Шунингдек, Avicenna international prize совринини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти томонидан Ўзбекистоннинг Франциядаги



элчихонаси кўмагида Франция тиббиёт институти академиясининг директорлар кенгаши тахт залида Абу Али ибн Синонинг бронза бюсти буюк олим хотирасига миннатдорлик ва чуқур ҳурмат белгиси сифатида ўрнатилди. Маросим иштирокчилари Ўзбекистонга ва Бутунжаҳон жамиятига ушбу ташаббус учун миннатдорлик билдирди. — Биз Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятига ушбу лойиҳани амалга оширишга қўшган ҳиссаси учун алоҳида миннатдорлик билдираимиз, — деди Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Сардор Рустамбоев. — Кўз олдингизда турган ушбу бюстни ўзбек халқи номидан ҳамкорлигимиз рамизи сифатида қабул қилишингизни сўрайман. Бу воқеа тарихда қолади ва ёш авлодларга улуғ олим Ибн Сино меросини ўргатиш фаолиятига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилади. — Мен маросимда иштирок этганимдан жуда мамнунман ва Бутунжаҳон жамиятининг Франция Тиббиёт академиясида Ибн Сино бюстини ўрнатиш бўйича ташаббусини юксак қадрлайман, — деди Париж университети профессори Жоэл Чандиле. — Ибн Сино ўзбек заминининг сўзсиз даҳоси, айни пайтда унинг мероси Европа ва жаҳон меросининг муҳим қисмидир. Ўзбекистон ва Франция ўртасида яна бир маданий кўприк ўрнатилганидан миннатдорман. — Франция Тиббиёт академиясида буюк инсонпарвар олим Ибн Сино бюстининг ўрнатилиши барчамиз учун катта шараф ва гурур, — дея таъкидлади ҳаяжон билан ишломшунос

олим, Франция Миллий илмий-тадқиқот маркази эксперти Карим Ифрак. — Бугун Ўзбекистонда буюк мутафаккир ва алломалар қолдирган илмий-маънавий мероснинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, уларнинг меросига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу ҳайратланарли! Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция, яшасин Ибн Сино! “Европа Иттифоқи, Ўртаер денгизи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги фалсафий ва тиббий тадқиқотлар ҳамда ҳамкорлиқни рағбатлантириш учун” мазкур олий мукофоти турли мамлакатлар вакилларига топширилди. Улар орасида ҳамюртимиз, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти Вассийлик кенгаши раиси Бахтиёр Фозилов ҳам бор. “Avicenna-France” президенти Марк Боннелнинг мана бу сўзлари ҳам иштирокчиларни ҳаяжонга солди: — Биз биламизки, Бутунжаҳон жамияти бир қатор йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда ва буюк Ибн Сино асарларини ўрганишга катта эътибор қаратмоқда. Биз бу эзгу ва машаққатли ишни амалга ошираётган инсонларни муносиб тақдирлашга қарор қилдик. Мен Ўзбекистон маданий меросини асраб-авайлаш ва уни хорижда тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Бахтиёр Фозиловга миннатдорлик билдираман. **Маълумот учун:** “Avicenna international prize” мукофоти 2015 йилда Европа Иттифоқи, Ўртаер денгизи ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги фалсафий ва тиббий тадқиқотлар ҳамда ҳамкорлиқни рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган. У ўз тадқиқотлари ва нашр қилган китоблари орқали буюк муслмон мутафаккири Ибн Сино ижодини ўрганишга ҳисса қўшган, тинчлик ўрнатиш ва маданий ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилган олимлар ва бошқа шахсларга берилади.

Ибн Сино асарлари Европада XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима қилина бошлади. “Тиб қонунлари” асарининг ўзи лотинчада 30 мартадан ортиқ нашр қилинган. “Китоб уш-шифо”нинг кўп бўлимлари, мантик, мусика, ернинг тузилиши, геологик жараёнлар, метафизикага оид қисмлари ҳам лотинчада нашр этилган.

Сўнгги илмий тадқиқотлар Ибн Синонинг Шарқ адабиётига ҳам таъсир кўрсатганини, чуқур фалсафий мазмунни ифодаловчи рубойи ва фалсафий қиссалар жанрининг тараққиётига туртки берганини кўрсатади. Айниқса, унинг “Жон агар бир шиша бўлса, илм бир ёнгувчи шам” кетган мисралари халқ орасида машҳур бўлиб кетган. Ибн Сино ўз бадий асарлари туфайли ҳам жуда катта ҳурматга сазовор бўлдики, у ҳатто фольклор қаҳрамонига айланди. Шарқ халқларида буюк табиб, олим ва шоир тўғрисида турли ҳикоя, ривоят афсоналар вужудга келди. Айни пайтда ҳам дунё олимлари Ибн Сино асарлари, унинг фаолияти тўғрисида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Жаҳондаги деярли барча халқларда Ибн Сино ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар яратилгани ҳам қувонарли. Буюк аждодимизга бўлган бундай жаҳоний эътироф ва эътибор бизни унинг ноёб меросини янада чуқурроқ ўрганишга, тарғиб қилишга ундайди.

ИФТИХОР



АЛЛОМАНИНГ “ЗИЖ” АСАРИ ЕВРОПАДА ҲАМ, ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА ҲАМ АСТРОНОМИЯ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРДИ. БИРОҚ БАРЧА ДАВРЛАРДА БУЮК АЛЛОМА ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН БУ СИЙМОНИНГ ШАХСИЙ ҲАЁТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР МАНБАЛАРДА ДЕЯРЛИ УЧРАМАЙДИ.



БАРЧА ДАВРЛАРНИНГ БУЮК МАТЕМАТИГИ

783 йили Хивада таваллуд топган бу алломанинг тўлиқ исми Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий ал-Катраббулий. Унинг боболари зардуштийликка эътиқод қўйгани боис, Мажусий лақаби қўлланган. Бироқ ал-Хоразмий исломий эътиқодда бўлган. У Хива, Кат ва Гурганж мадрасаларида таҳсил олгач, нафақат табиий фанларни, балки араб, ҳинд, форс, юнон, яхудий ва сурёний тилларини ҳам мукаммал ўрганди. Хоразм, Марв мадрасаларида мударрислик қилди. Ҳисоб ва илми нужум фанлари бўйича тадқиқотлар ўтказиб, Марв ҳукмдори ал-Маъмун эътиборига тушди. Ал-Маъмун 813 йилда халифалик тахтига чиққач, Марвдаги олимларни пойтахт Бағдодга олиб кетди.



Умид БЕКМУҲАММАД, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими

Ал-Хоразмий дунё илм-фан ривожига ғоят улкан ҳисса қўшди. У алгебра фанининг асосчиси бўлди. “Алгебра” сўзи эса унинг “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала” номли рисоласидан олинган. Унинг арифметика рисоласи ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, ўнлик ҳисоблаш тизими ва шу тизимдаги амалларнинг Европада тарқалишига сабаб бўлди. Ал-Хоразмий номи эса “алгоритм” шаклида фанда абадий қолди. Географияга доир асари шу соҳада яна ўнлаб тадқиқотлар яратилишига хизмат қилди. Алломанинг “Зиж” асари Европада ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам астрономия фани ривожланиши учун йўлчи юлдуз вазифасини бажарди. Бироқ барча даврларда буюк аллома деб эътироф этилган бу сиймонинг шахсий ҳаёти тўғрисида маълумотлар манбаларда деярли учрамайди.

Ал-Маъмун Марвда ҳукмдорлик даврида нафақат ал-Хоразмийни, балки мовароуннаҳрлик ва хуросонлик бошқа олимларни ҳам ўз саройига жалб қилган. Натижада Византия ва Ҳиндистондан кўплаб китоблар келтирилиб, “Байт ул-ҳикма”нинг фаолият доираси кенгайтирилади, унинг қошида иккита йирик расадхона қурилади. Уларнинг биринчиси 828 йилда Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида, иккинчиси 831 йилда Дамашқ яқинидаги Касикон тоғида барпо этилади. Ҳар иккала расадхона фаолиятини Мовароуннаҳр ва Хуросондан келган олимлар бошқарган. Ал-Хоразмий бу илмий марказ фаолиятига раҳбарлик қилади.

Бағдодда келган мовароуннаҳрлик олимлар орасида яна бир машҳур астроном Аҳмад ибн Касир ал-Фарғонийнинг номини фахр билан тилга олиш лозим. Марвлик Яхё ибн Абу Мансур эса Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласидаги расадхона асосчиси ва раҳбари бўлди. Расадхонадаги ишлар ҳақида у “Байт ул-ҳикма”нинг мудир Ал-Хоразмийга ҳисобот бериб турарди. 831 йили Яхё ибн Абу Мансур вафотидан сўнг Ал-Хоразмий ушбу расадхонани ҳам бошқаради ва у ердаги тадқиқотларда фаол қатнашади.

Албатта, Ал-Хоразмий билан Бағдодда, кейинчалик “Маъмун академияси” деб танилган “Байт ул-ҳикма”да фаолият олиб борган олимларнинг барчасини ҳам марказий осиёлик ёки хуросонлик дейиш хато бўларди. У ерда Сурия, Ироқ ва халифаликнинг бошқа ҳудудларидан келган олимлар ҳам фаолият юритган. Зеро, бу даврда Бағдод шарқнинг илм-фан маркази сифатида донг таратган. Хоразмий ана шундай илмий муҳитда яшаб ижод қилди ва 850 йилда Бағдодда вафот этган.

Ал-Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарнинг ўнтаси бизгача етиб келган. Улар — “Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”, “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” ёки “Қўшиш ва айириш ҳақида китоб”, “Китоб сурат ул-арз”, “Зиж”, “Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”,

“Астурлоб ясаш ҳақида китоб”, “Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида”, “Китоб ар-руҳома”, “Китоб ат-таърих”, “Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”. Алломанинг арифметик рисоласи қачон ёзилгани номаълум. Бироқ унда олим алгебрага оид рисоласини эслайди. Демак, бундан Хоразмий арифметик рисолаи алгебраик рисоладан кейин ёзгани маълум бўлади. Бу рисола XII асрда Испанияда лотин тилига таржима қилинган. Таржиманинг XIV асрда қўчирилган ягона қўлёзмаси Кембриж университети кутубхонасида сақланади. Рисола “Диксит Алгоритми”, яъни “Ал-Хоразмий айтди” ибораси билан бошланади. У шундай дейди: “...Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи “Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”ни таълиф қилдим. Чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда ва шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказишда, геометрия ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир”.

Ал-Хоразмий астрономияга оид йирик “Зиж” асарини 830 йил атрофида ёзган, у 37 боб, 116 жадвалдан иборат. Асарнинг аввалги беш боби хронологияга бағишланган бўлиб, “тўфон”, “исқандар”, “сафар” ва христиан эраларидаги саналарни ҳижрий эрага қўчириш қоидалари келтирилади.

“Зиж” нафақат араб халифалигидаги, балки Шарқ оламидаги дастлабки астрономик асарлардан эди, деса хато бўлмайди.

АЛ-ХОРАЗМИЙ АСТРОНОМИЯГА ОИД ЙИРИК “ЗИЖ” АСАРИНИ 830 ЙИЛ АТРОФИДА ЁЗГАН, У 37 БОБ, 116 ЖАДВАЛДАН ИБОРАТ. АСАРНИНГ АВВАЛГИ БЕШ БОБИ ХРОНОЛОГИЯГА БАҒИШЛАНГАН БЎЛИБ, “ТЎҒОН”, “ИСКАНДАР”, “САФАР” ВА ХРИСТИАН ЭРАЛАРИДАГИ САНАЛАРНИ ҲИЖРИЙ ЭРАГА ҚЎЧИРИШ ҚОИДАЛАРИ КЕЛТИРИЛАДИ.

Унга Ал-Хоразмийнинг замондошларидан ал-Фарғоний, ал-Ҳошимий ва бошқалар ҳам юксак баҳо берган. Абу Райхон Беруний эса “Зиж”ни шарҳлашга учта асарини бағишлаган. Айниқса, бу асарнинг доврқ таратишида испаниялик араб астрономи Маслама ал-Мажритий томонидан 1007 йили қўчирилган нусха диққатга сазовор. Бу нусхани 1126 йили Аделард Бат Испанияда лотинчага таржима қилди. Шу таржиманинг қўлёзма нусхаси асосида 1914 йили Х.Зутер “Зиж”нинг лотинча танқидий матнини, О.Нейгубауэр эса 1962 йили шу матн асосида унинг инглизча таржимасини нашр этган. Мана шу икки нашр асосида “Зиж”нинг тула русча ва қисман ўзбекча таржималари нашрга тайёрланди. Бу асар, шунингдек, география соҳасидаги буюк кашфиётларга ҳам алоқадор бўлди. Хоразмий географик асарининг ёзилган йили аниқ эмас. Академик В.В.Бартольд ушбу асар 836–847 йиллар орасида ёзилганини қайд этган. Асарнинг 1037 йили қўчирилган ягона арабча нусхаси бизгача етиб келган ва у Страсбург университети кутубхонасида сақланади.

Айтиш мумкинки, шу ва бошқа асарларнинг яратилиши, улардан нусхалар қўпайтирилиб, кенг оммага етиб боришида маърифатпарвар ҳукмдорларнинг ўрни катта. Қолаверса, саройда

яратиб берилган шароит туфайли ал-Хоразмий Бағдодда ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган асарлар яратди. “Ал-жабр вал-муқобала”, “Ҳисоб ал-ҳинд”, “Зиж Хоразмий”, “Китоб ат-таърих”, “Китоб сурат ул-арз”, “Китоб ал-амал устурлаб”, “Қўёш соати тўғрисида китоб” қабила шулар жумласидан.

Уша даврда санок тизимидаги чалкашлиқлар, бу борадаги амалий бир қоидаининг йўқлиги кўплаб қийинчиликларни туғдирар эди. Бу ечимни ал-Хоразмий кашф этди. Яъни санок тизимига “0” сонини киритиб, 10 лик тизимни тўлдирди. Тарихдан маълумки, Бағдод халифаларидан ал-Маъмун ҳамда ал-Восик илму маърифатли ҳукмдорлар бўлган. Улар ал-Хоразмийни олтинку жаҳоҳирлар излаш учун эмас, китоб тўплаш ва тадқиқотлар олиб бориш мақсадида 830 йили Ғарбий Ҳиндистонга сафарга юборди.

Иккинчи бор ал-Хоразмий Византияга бориб, Эфес шаҳри яқинидаги ғор билан боғлиқ ривоятни тадқиқ этди. Учинчи сафари эса Хазарияга — Волга дарёсининг қўйи оқимида уюштирилади.

Ана шу сафарлари давомида тўплаган маълумотлар ва бошқа манбалар орқали “Китоб сурат ул-арз” номли жуғрофияга оид асар ҳам ёзди. Мазкур китобда 209 та тоғнинг жуғрофик жойлашуви, дарё, денгиз ва океанлар ҳавзасининг шакли баён қилинган.

Бундан ташқари, аллома етакчилигида 70 нафар олим дунё харитасини тузиш бўйича иш олиб борган. Ал-Хоразмийнинг ўзи эса 827 йили она заминимиз ўлчамини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градусини ўлчаб чиқди. Меридиан градуси узунлиги ўрта ҳисобда

112 километрга тенг қилиб олинган бўлиб, бу аниқ натижадир.

Алломанинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси ўнлик санок тизимини яратишдан ташқари, кўп илдизли тенгламаларни ечиш усуллари, синус, косинус, тангенс қоидаларини IX асрдаёқ кашф қилгани билан ҳам боғлиқ.

Ал-Хоразмий мадрасаларда дарс бериб, саройда тадқиқотлар ўтказиш жараёнида олимлар фаолиятини кузатган ва илм-фан намояндаларини уч гуруҳга бўлган. Аллома назарида, ўзларига амалга оширилмаган ишларни қилган ва уни келажак авлодга қолдириб, бошқалардан ўзиб кетувчилар биринчи гуруҳга кириди. Ўтмишдошлари меҳнатини шарҳлаб бериб, бу билан қийинчиликларни енгиллаштирган ҳолда, қулфларни очувчи, йўлларни ёритувчи, тушунишни оsonлаштирувчилар иккинчи гуруҳ олимлар сирасига киритилган. Батми китоблардаги нуқсонларни топиб, узилганларни уловчилар учинчи гуруҳга мансубдир.

Қомусий илмий соҳиби Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783–850) яратган кашфиётлари, асарлари билан дунё илм-фанига, инсоният тафаккури хазинасига беқиёс улуш қўшган аллома сифатида тарихда қолди. Европалик олимлар ҳам Ал-Хоразмийни барча даврларнинг буюк математиги сифатида эътироф этган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер мақолазида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1164.
81039 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусаҳҳиҳ: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 02:25